
ЎзХДПнинг туман Кенгашига янги раҳбар тайинланди

Ҳамроқулов Донёржон Тоҳирович Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Бағдод тумани Кенгаши раиси этиб тайинланди. Бу ҳақдаги фармойиш партиянинг Фарғона вилояти Кенгаши раиси З.Зоҳидов томонидан имзоланди.

Д.Ҳамроқулов 1986 йилда Бағдод туманида туғилган. Маълумоти тугалланмаган олий (Тошкент Давлат маданият ва санъат институти). Мутахассислиги - кино ва телевидение овоз режиссиёри.

У 2005-2015 йилларда Бағдод туманидаги "Тоҳир-Бағдод телевидениеси" МЧЖ иш юритувчиси, 2015-2022 йилларда мазкур МЧЖ раҳбари, 2022 йилдан буён "Бағдод" хусусий фирмаси раҳбари сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Д.Ҳамроқулов - оилали, 3 нафар фарзанди бор.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-02-01 10:00:07